


Ҳомиланинг шаклланиш босқичлари ёхуд алақа



17:00 / 30.11.2020 3601

Image not found or type unknown



Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

عَفْطَانِ لَآ اِنْ قَوْلٍ مِّثْ

«Сўнгра нутфадан алақа яратдик» (Муъминун сураси, 14-оят).

«Алақа» сўзи «алақ»дан олинган бўлиб, муфассирлар ва луғат олимлари бунинг бир неча маънолари борлигини айтишган:

1. Бирор нарсага ёпишиб туриш. Бу маъно эмбрионнинг бачадон деворига ёпишиб туришига мувофиқ келади.

2. Умумий маънода қонга нисбатан ҳам ишлатилади. Шунингдек, қотган қонга, қип-қизил нарсага ҳам бу сўз ишлатилади. Бу ҳам эмбрионнинг шу босқичдаги ҳолатига мос келади. Ушбу босқич давомида берк, қон билан тўлган қон томирлари шаклланади.

3. Сувда яшайдиган ва ўзи ёпишиб олган ҳайвоннинг қони билан озиқланадиган зулук номли қуртга ҳам шу сўз ишлатилади.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ Аллоҳ таолонинг «**Сўнгра нутфадан алақа яратдик**» ояти борасида шундай деганлар: «Яъни, нутфани узун зулук шаклидаги қизил рангли алақага айлантирдик». Бу гапни бошқа муфассирлар ҳам айтишган. Бу эмбрион алақа босқичининг охирларида оладиган шаклига мос келади. Бу пайтда у мазкур қон сўрувчи зулук шаклига киради. Эмбрионнинг бачадон деворига ёпишиб олиб, қон орқали озуқасини сўриб олиши ҳам зулукни эслатади. Қуйидаги расмда зулук ҳамда алақа босқичидаги эмбрион акс этган.



Қуръони Каримнинг бу босқичдаги эмбрионни таъбир қилишда ишлатган «алақа» сўзига эътибор беринг! Бу сўзга берилган маъноларнинг барчаси эмбрионга мос келади. Ёпишиб турувчи, қип-қизил рангли қотган қон, зулук шаклида бўлиши ва бачадон деворига ёпишиб, қон орқали озуқа олиши. Эмбрионнинг бу босқичда шундай ҳолатларни бошдан кечиришини олимлар аниқлаганларига бир аср бўлмади ҳали.

Қуръони Карим эса бу ҳақиқатни ўн тўрт асрдан бери айтиб келади.

﴿نِيْقُلْ اٰلُكُمْ اَنْسَحَ اُولٰٓئِكَ رَبَّتَف﴾

«Бас, яратувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли, улуғ бўлди».

**«Мана бу Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир»
китоби асосида**

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади